Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 30 (6. 819) 1989 йил 6 февраль, душанба Баҳоси 3 тийин

## Тонгги газеталарда

**⊙ 3—4 февраль куни КПСС Марказий Комитетида иттифоқдош республикалар Марказий Комитети, ўлка ва область партия комитетлари, қатор шаҳар партия комитетлари идеология бўлими мудирларининг, марказий оммавий ахборот органлари, идеология муассасалари ва идоралари раҳбарларининг кенгаши бўлиб ўтди. Унда қайта қуришнинг ҳозирги босқичидаги идеология ишининг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Кенгаш ҳақидаги батафсил ҳисобот бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.**

**⊙ «Республикалар ҳаёти» рубрикаси остида «Правда» газетасида Белоруссия, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Грузиядан олинган хабарлар босилган.**

**⊙ Арманистоннинг вайронага айланган Спитак шаҳри янги ерда — аввалги шаҳар чегараларидан бир неча километр жануброқда қурилади. «Известия» газетасидаги «Спитак: қурилиш штаби керак» сарлавҳали мақолада КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси комиссиясининг 4 февраль куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлиси ҳақида ҳикоя қилинади.**

**⊙ «Правда» газетасининг учинчи саҳифасидаги «Мунозара минбари» рубрикали мақолада академик А. Аганбегян экономикадаги қайта қуриш ҳақида фикр юритади.**

## Бир корхона янгиликлари

### ЙИЛНИНГ БИР ОЙИ.

**⊙ Тошкент экскаватор ремонти тажриба-механика заводи коллективи пахтакор-ирригаторларга турли машиналар ва эҳтиёт қисмлар етказиб бериш билан бирга халқ истеъмоли буюмларини тайёрлашга эътиборни кучайтиришмоқда.**

Корхонада рўзғорда қўлланиладиган ўндан ортиқ маҳсулот тури тайёрланмоқда. Улар орасида ванна жиҳозлари, клёнка-дастурхон, банка қопқоқлари, турли-туман целлофан пакетлар бор. Коллектив январь ойи планини муддатидан олдин бажарди. Савдо ташкилотларига 14 минг сўмликдан кўпроқ кенг истеъмол моллари етказиб берилди.

### ЗАВОД ҚОШИДАГИ КООПЕРАТИВ

**● Маълумки, 1989 йил январдан бошлаб кўплаб корхоналар қатори бу завод коллективи ҳам шу илғор методга ўтиб ишлай бошлади.**

Ишлаб чиқаришнинг илғор усули кўплаб имкониятларни юзага чиқармоқда. Жумладан, корхона қошида «Мотор» кооперативи очилди. Бу ерда ҳамма турдаги автомобилга техник хизмат, мотор ремонти, бўяш умуман автомобиль билан боғлиқ ҳамма иш амалга оширилмоқда.

Коллектив 9 кишидан иборат. Ойига 14 минг сўмлик техник хизмат кўрсатиляпти.

**Д. ОБЛАЕВ.**

### МАҲСУЛОТ ТУРИ ОРТМОҚДА

**● Шаҳримиздаги хўжалик моллари магазинлари пештахталарида шиша идишларнинг қопқоғини очадиган янги хил очқичлар пайдо бўлди.**

Тошкент қишлоқ хўжалиги химияси машинасозлиги заводида тайёрланаётган бу маҳсулот корхонада ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмоли молларининг кейинги туридир. Ҳозирча заводда 20 дан ортиқ хил товар ишлаб чиқариляпти. Квартал охиригача яна янги маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилади. Булар орасида болалар чанаси, енгил автомобиллар учун қисмлар бор.

**С. ШАМСИДДИНОВ.**

СССР халқ депутатлигига номзодлар

# Мусиқа—маънавият сарчашмаси

**— Аҳмад Ҳамидович, суҳбатимизни сарҳисоб билан бошласак. Даставвал композиторлар союзига раҳбарлик қилаётганингиздан бери юз берган ижобий ўзгаришлар ҳақида сўзлаб берсангиз...**

— Фақатгина композиторлар союзига эмас, ижодий союзларнинг барчасига хос бўлган ягона хусусият бор: ижодий ҳамкорлик. Ўтган йиллар орасида ана шу ҳамкорлик бастакорларимиз орасида айниқса мустаҳкамланди. Ушбу ҳамкорлик қанча юксак бўлса, ижод мевалари шунчалик кўп бўлади.

Афишаларни, концертларни кузатиб бораётган одамлар, яна ҳам аниқроғи, мусиқасеварлар бир ҳолни таъкидлашлари аниқ. У ҳам бўлса шаҳримиз, республикамиз театрларида, концерт залларида намойиш этилган ва этилаётган турли жанрлардаги янги асарларнинг кўплигидир.

Ўтган йилларда чиндан ҳам яхши-яхши музика асарлари яратилди. Шулардан бир-иккитасини айтиб ўтай. Атоқли бастакор Мутал Бурхонов «Алишер Навоий» номли опера ёзди. Номиданоқ маълум, буюк бобомиз ҳақидадир. Анвар Эргашев болалар учун «Тегирмон устида қуёш» номли музика асари яратди. Ҳозир Муқимий номли ўзбек Давлат музикали театримизда муваффақият билан ижро этилаётган «Прометей» спектаклининг музикаси Мустафо Бафоев қаламига мансуб. Аваз Мансуров эса бир туркум ажойиб қўшиқлар яратиб, ихлосмандлар меҳрини қозонди.

**— Сиз тилга олган бастакорларнинг аксарияти ёш ижодкорлар. Демак, ёшларга эътибор диққат марказида турибди дейишга асос бор...**

— Албатта! Ҳар соҳада бўлгани каби музика оламида ҳам ёшлар кўп нарсаларни ҳал этувчи омил. Юқорида бир нечта иқтидорли бастакорларни тилга олдим. Аслида улар ўнлаб. Энг қувонарлиси ёшлар барча жанрда —балет ёки опера, симфония ёки кантата бўлсин, эътиборга лойиқ асарлар яратишаяпти. Уларни моддий ва маънавий рағбатлантиряпмиз.

**— Ютуқларни такрорлаш ёқимли, албатта. Лекин шу билан бирга камчилик ва муаммолардан кўз юммаслик ҳам керак...**

— Тўғри. Муаммоларни ҳал қилиш, камчиликларга барҳам бериш — келгусидаги ютуқларнинг гарови деб бежиз айтилмаган. Биласизми, бизда музика асарлари пропагандаси мутлақо қониқарли эмас. Халқимиз яратган нодир мусиқа бойликларини кўпчилик ёшларимиз билмайди, ҳисоб. «Шашмақом», Хоразм мақомлари ахир бутун бошли маънавий хазинаку!

Ёшлар орасида енгил-елпи музикаларга ихлос авж олиб кетди. Улар, яъни бачкана асарлар замон талабига, кун сайин ўсиб бораётган тингловчилар дидига жавоб бериши мушкул.

**— Уларни ҳам бастакорларимиз яратяптику?!**

— Нима демоқчи бўлганлигингизни тушундим. Албатта шундай. Лекин ўша енгил-елпи қўшиқлар, музикаларни санъат илмидан тўла баҳраманд бўлмаганлар яратмоқда. Ўшалар ўзи шеър ёзади, ўзи музика басталайди, ўзи ижро этади. Хуллас, айтмоқчиманки, енгил ижод намуналари кундалик ҳаётимизга чуқур кириб бормаслиги керак.

**— Бунинг учун, албатта, маънавий тарбияни кучайтириш зарур, тўғри эмасми?**

— Ҳақ гапни айтдингиз. Болтиқбўйи республикаларида музика дарслари 1—5-синфларда ҳафтасига 5—6 соат, 6—7-синфларда ҳафтасига 3 соат, 8—10-синфларда 2 соат олиб борилади. Бизнинг мактабларда эса атиги бир соат. У ҳам 7-синфгача. Устига устак, умумтаълим мактабларимизда музика ўқитиш ниҳоятда оғир аҳволда. Гапимнинг исботи учун мисоллар келтирай. Республикамиздаги салкам 8000 мактабнинг деярли 1000 тасида музика дарслари, умуман ўтилмайди. Бунинг устига музика ўқитувчилари етишмайди. Бор ўқитувчиларнинг эса савияси бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Адабиёт дарсларида фақатгина Ватанимиз адабиёти эмас, чет эл адабиёти вакиллари ҳам тилга олинади. Улар яратган асарлар ҳақида озми-кўпми маълумот берилади. Лекин Шекспирнинг «Отелло», «Ромео ва Жульетта» трагедиялари ўтилаётган пайтда айнан шу номда опера ва балет ҳам яратилганини, улар етакчи театрларимиз саҳнасида ижро этилгани тилга олинмайди. Шу йўл билан ҳам болаларни хабардор этиш зарур деб ўйлайман. Афсуски, кўпгина муаллимларимиз буни билмасалар ҳам керак.

Ўзингиз ўйланг, аҳвол шу даражада бўлгандан кейин опера ва балет театрига, симфоник оркестр концертларига томошабин келадими? Демак, биз маънавиятимиз сарчашмаларидан бири бўлган музика ўқитиш методикасини тубдан ўзгартиришимиз шарт.

Чет эл музика намояндалари Бах, Верди, Бетховен, Моцарт асарларини, ҳатто бу бастакорларнинг номини биронта мактаб ўқувчиси эшитган деб тўла кафолат беролмайман. Демак, гап яна музика тарғиботида, уни ҳар бир кишининг қалбига етказишда қолган. Жиддий шуғулланиш пайти эса аллақачон келган.

**— Бу менимча депутатлик программангизда ҳам асосий ўринни эгалласа керак?**

— Ҳеч сўзсиз. Мен Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги билан маслаҳатлашдим. Шу йил апрель ойида Ўзбекистон композиторлар союзи, Халқ таълими министрлиги, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети билан катта тадбир ўтказамиз. Тадбирда юқоридаги масалаларни албатта муҳокама қиламиз.

**— Аҳмад Ҳамидович, ишларингизда муваффақият ёр бўлишига тилакдошмиз.**

**Суҳбатни Т. УБАЙДУЛЛАЕВ ёзиб олди.**

⊙ Ўзбекистон Композиторлар союзи правлениесининг раиси Аҳмад Ҳамидович ЖАББОРОВ.

## Замондошимиз



Р. Шарипов фотоси.

## АХБОРОТ

3 февраль куни Тошкентда Навоий кўчасининг бир қисмида диндорларнинг шаҳар маъмурларидан рухсат олинмаган йиғини 3 соат давом этди. Унда турли миллатларга мансуб икки юз нафардан кўпроқ мусулмонлар қатнашдилар, улар диний ташкилотларнинг ички масалаларига тааллуқли талабларни ўртага қўйдилар, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармаси ишига давлат органлари аралашувини талаб қилдилар.

Шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Р. Ғ. Очилдиевнинг мухбиримизга маълум қилишича, бу воқеа Тошкентнинг Тилла шайх масчитида кўп кишилик жума намозидан сўнг юз берган. Асосан Тошкент области қишлоқларидан, Қўқон, Наманган шаҳарларидан, шунингдек Чимкент ва Ленинобод областларидан келган одамлар группаси Эски шаҳардан марказ томон йўл олди. Шаҳар транспортининг ҳаракати тўхтаб қолди. Жамоат тартиби бузилишининг олдини олиш мақсадида милиция ходимлари кучи билан тартибсизликка йўл қўймаслик, шаҳарликлар ва диндорларнинг ҳам хавфсизлигини таъминлаш чоралари кўрилди.

Диндорларнинг ҳаракати чоғида ҳам, уларнинг йиғини пайтида ҳам милиция билан ҳеч қандай тўқнашув бўлгани йўқ. Тўпланганларнинг шиорлари мутлақо диний тусда эди. Тошкентда бирдан тарқалган қандайдир «миллатлараро» мунозаралар ҳақидаги уйдирмалар бутунлай асоссиздир.

Диндорлар группасининг 25 вакилини Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров қабул қилди. Диндорлар кўтариб чиқаётган масалалар ҳукуматнинг вазифасига кирмаслиги ва уларни диния ходимларининг ўзлари ҳал қилишлари лозимлиги тушунтирилди. СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Дин ишлари кенгашининг Ўзбекистон ССРдаги вакили орқали диндорлар группасининг талаблари мусулмонлар диния бошқармасига топширилди.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармаси раисининг ўринбосари Шайх Юсуфхон Шокировнинг хабар қилишича, диндорлар ўртага қўйган масалалар 6 февраль — душанба куни диния бошқармаси ҳайъатининг мажлисида кўриб чиқилади.

## ИСТИҚОМАТ ЖОЙДАГИ ИШЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

Тошкентда шаҳар маҳалла комитетлари раисларининг учрашуви бўлди. Унда район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети бошқармаларининг масъул ходимлари қатнашдилар.

Сўзга чиққан кишилар маҳалла комитетлари ҳозир Тошкент шаҳридаги 300 мингдан ортиқ аҳоли орасида иш олиб бораётганлигини таъкидладилар, деб хабар беради ЎзТАГ мухбири. Улар оилани мустаҳкамлаш, турмушга янги совет маросимларини жорий этиш, интернационал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасида кўп иш қилмоқдалар. Аммо кўпгина муаммолар ҳалигача ҳал қилинган эмас. Комитетларнинг раислари маҳаллий Советлардан истиқомат жойларида олиб бориладиган ишларда амалий ва самаралироқ ёрдам беришни илтимос қилдилар.

Учрашув қатнашчилари маҳалла комитетлари раисларининг шаҳар кенгашини туздилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти директорининг ўринбосари Қ. Ф. Фозилхўжаев ана шу кенгашнинг раиси қилиб сайланди.

Учрашувда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин нутқ сўзлади.

**⊙ «Тошкент оқшоми» мухбирининг ана шу учрашув ҳақидаги тўла ҳисоботи газетада эълон қилинади.**

## УРУШДА ТОБЛАНГАН ЁШЛИК

**⊙ Ҳамза районидаги пионерлар уйида очилган ўзига хос экспозиция Афғонистонда ҳалок бўлган йигитларнинг муқаддас хотирасини сақлайди, омон қолиш бахтига мушарраф бўлган полкдошлар ҳақида ҳикоя қилади.**

Ҳамза районининг ўзидангина Афғонистонда йигирма саккиз нафар жангчи ҳалок бўлди. Уларнинг дўстлари ва пионерлар уйи қошидаги «Пламя» штабининг ёш армиячилари фотосуратлар ва ҳужжатлар тўплашди, райондаги йирик корхоналар музей фондига пул ўтказишди. «Рассом» комбинатининг мусаввирлари жанг диорамасини яратдилар. Мемориал ёдгорлик лавҳаси, мард ва жасур йигитлар ҳақидаги биографик материаллар, газета ва журналларда эълон қилинган мақолалар томошабинлар диққатини жалб этади.

Жанговар шуҳрат музейи очилишига келган интернационалчи-жангчилар куй ва сўзларини ўзлари тўқиган қўшиқларни ижро этишди. Музей очилиши кунида бу қўшиқлар ҳалок бўлганлар хотирасига мадҳиядек янгради.

**Н. ПОЛЯНСКАЯ, ЎзТАГ мухбири.**

## ОБОДОНЧИЛАР ҲИССАСИ

**Ленин районида бугунги кунда 136 та кўча бўлиб, бу кўчаларнинг ярмига яқини транспорт ва йўловчилар талабига жавоб бермаётир.**

Район ободонлаштириш бошқармаси хизматчилари кўчаларни кўздан кечириб чиқиб, саккизта кўчада капитал ва қирқ бешта кўчада жорий ремонт ишларини бажариш кераклигини аниқлашди. Ремонт ишлари учун 600 минг сўм ажратилди. Бугунги кунда Новий путь ва Аретто кўчаларида капитал ремонт ишларини бажаришга ҳозирлик кўрилмоқда.

Бундан ташқари район ободончилари Ново-Полторацкий кўчасида яқинда фойдаланишга топширилган тўққиз қаватли турар жой биноси атрофида, райондаги 26 та хиёбонда ободончилик ишларини олиб боришади.

Экономика сабоқлари

# САНОАТИМИЗНИНГ ДОЛЗАРБ СОҲАСИ

**Ҳа, саноатимизнинг «А» группасини бемалол шундай деб аташ мумкин! Чунки бу группага кирувчи корхоналарнинг асосий вазифаси халқ хўжалигини аввало давлат буюртмалари асосида зарур маҳсулотлар билан таъминлаш бўлса, иккинчидан, аҳоли учун кенг истеъмол молларини ишлаб чиқаришни кўпайтириб боришдан иборат.**

**Ана шундай ирмоқли «дарёлар» Тошкент шаҳрида ҳам анчагина. Бу ерда ҳар қайси районнинг ўз машъаллари, яъни катта ирмоқлари бор. Бу ирмоқлар ана шу дарёдан етарли қувват оляптими, бошқаларга қараганда силжиш борми, у дарё «марка»сини оқлаяптими? Уларнинг қимматли тажрибалари борми? Агар бор бўлса, у бошқа корхоналар меҳнат коллективлари ўртасида қандай ёйиляпти?**

**Бу ва бошқа саволлар бизни шу ҳақда чуқурроқ ўйлашга даъват этди.**

**Яқинда, Ўрта Осиё электр аппаратлари ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлганимда уларнинг ана шу борада яхшигина ютуқлари борлигига ишонч ҳосил қилгандим. Аммо бу ҳақда ёзишга, очиғи, журъат этмагандим. Сабаби равшан эди. Корхона асосий маҳсулот ишлаб чиқариш планларини сурункасига барбод қилаётган бўлса, яъни дарё суви пасайиб, ирмоғи билангина кўзга кўринаётган бўлса, нима қилиш керак? Аммо ўшанда бунинг объектив сабаблари борлиги учун бир нима дейишга тил ҳам бормаган эди. (Боиси — ўша пайтда унга таъминотчилар панд бериб қўйишган экан!).**

**Куни кеча шу корхона вакили — «Электротехник» кўпнусхали газетасининг редактори К. Мезенцева билан истеъмол буюмларига бағишланган йиғилишда, учрашиб қолдим.**

**— Нега бизнинг корхонамизга келмай қўйдингиз? деб саволга тутди у.**

**Гапнинг рости, унинг хафа бўлишини кутган эдим. Аммо аксинча корхона газетасининг муҳаррири аҳволни тўғри баҳоладими ё орияти келдими:**

**— Ҳа, корхонамиз шундай бўлиб қолди, — деди ачиниш билан.**

**Ҳолбуки, бу корхона кенг истеъмол моллари тайёрлашда анча дуруст натижаларга эришяпти. Мана, қўлимизда Тошкент шаҳар статистика бошқармаси маълумоти. Қараймиз: «Кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш планларини бажармаганлар рўйхати»да бу корхона йўқ.**

**Яна қараймиз: «Кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириб юборган корхоналар». Унда ҳам бу корхона йўқ.**

**Қани, фойда олиш планини бажарган шаҳар корхоналари рўйхатини кўрайликчи. Бу ерда биз бу корхона номини учратмаймиз.**

**Хўш, гап нимада? Шу заҳоти «Кенг истеъмол буюмлари корхона жонига оро кирмабди-да», деган хаёлга бордик.**

**Умуман, кейинги пайтларда бу нарса кўп хаёлга уриладиган бўлиб қолди. Ё «А» группасидаги корхоналар ишлаб чиқариш ҳажмини камайтиради, ё кенг истеъмол молларининг нархи осмонга чиқиб кетади, ёки кенг истеъмол буюмлари орасида «Янгилик» («Н») индексли маҳсулотлар салмоғи унчалик бўлмайди.**

**Шу сабаб бўлдики, биз XXVI Тошкент шаҳар партия конференцияси арафасида бир неча делегатларга мурожаат қилдик. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтининг сектор мудири Маҳмуда Абдуллаева шундай дейди:**

**— Ҳозир янги жараён — қайта қуриш қизғин боряпти, фан янги-янги нарсаларни ихтиро қиляпти. Аммо фан ютуқлари ҳамиша ҳам ишлаб чиқаришга кенг ва муваффақиятли жорий этиляпти, деб бўлмайди. Бу, очиғи, қониқарсиз аҳволда. Ҳамон буйруқбозлик — маъмурий услуб фан ютуқларини ишлаб чиқаришга тезроқ жорий этишга халақит бермоқда. Иш услуби ўзгармагунча бу борада тайинли бир ютуққа эришмоқ мушкул. Биргина мисол. Бирон корхона ўз маҳсулотининг арзон бўлишидан манфаатдорми? Қани, бу ҳақда ҳеч ким бош қотириб кўрганми?**

**Биринчи галда жавоб шундай бўлади: «Ўз молини арзон-гаровга сотадиган содда одам йўқ!» Тўғри. Аммо қимматига 10 та мол сотганидан, арзонига 1000 та мол сотган иқтисодий жиҳатдан ютмайдими? Гап ўша молнинг «обрўси» эмас, харидоргирлиги, яъни бозори қанчалик чаққонлигида эмасми?**

**Албатта, буни ҳар бир саноат корхонаси коллективининг ўзи ҳал этади. Агар биз 1987 йилга таққосласак, шаҳарда ўтган йили кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш кўпайганини кўрамиз. (Фақат 10 тача корхона ўсиш суръатлари бўйича олға силжиш ўрнига пасайиб кетди. Бу корхоналар ҳаммаси бўлиб мўлжалдаги бир неча миллион сўмга маҳсулотни кам етказиб берди). Бутун шаҳар бўйича кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш планлари ошириб адо этилаётгани жуда қувончлидир! (Фақат Фрунзе райони бундан мустасно).**

**Бу борада ўсиш суръатлари шаҳар бўйича планда кўзда тутилганидан салкам 10 процент кўпроқни ташкил этадики, бу ҳам кенг истеъмол моллари тайёрлашга шаҳар партия, совет ва хўжалик органларининг масъулият ҳисси билан ёндошаётганини кўрсатади.**

**Аммо шаҳардаги бу ютуқлар соясида «кун кўраётган» корхоналар ҳам йўқ эмас. Улар орасида Тошкент экскаватор ишлаб чиқариш бирлашмаси, агрегат заводи сингари йирик машинасозлик корхоналари ҳам бор.**

**Партия ва ҳукуматимиз қарорларида, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси резолюцияларида экономикани социал мақсадлар томон йўналтириш ҳақида жиддий гап борди. Шундай бир пайтда ҳар бир корхона коллективи кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришга асло иккинчи даражали иш деб қарамаслиги зарур. Бу ерда гап юз фоиз маҳсулоти кенг истеъмол моллари бўлган корхоналар ҳақида эмас, асосий маҳсулоти бундан бошқа хил маҳсулот ҳисобланган корхоналар тўғрисида бораётир. (Гап хонаси келганда шуни ҳам айтиб ўтмоқчимиз: Ўзбекистон ССР енгил саноат министрлигига қарашли корхоналар тез-тез савдо тармоқларига кенг истеъмол моллари етказиб бериш бўйича қарздор бўлиб қолмоқдалар. Бу камчиликка янги йилда барҳам берилса, аҳоли ўзига ёққан маҳсулотни ўз вақтида истаганча харид қилиш имкониятига эга бўлар эди!).**

**Аҳолининг талаби, дид ва эҳтиёжини ҳисобга ола билиш барча корхоналар ишининг муваффақиятига ижобий таъсир кўрсатади. Шу сабабли кўпгина корхоналарда алоҳида истеъмол моллари ишлаб чиқариш цехлари мавжуд. Уларга зарур моддий-техника базаси яратиб берилмоқда. Социалистик мусобақага ойма-ой якун ясалаётганда муҳим иш — кенг истеъмол молларини сифатли ва хилма хил тайёрлашга эришаётган илғорлар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланиши лозим. Ана шунда ўн иккинчи беш йилликнинг бошидан буён қўлга киритилаётган ютуқлар янада мустаҳкамланади. Зотан, шаҳримизда 1986 йилдан буён ҳар йили кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш планлари ҳамиша ортиғи билан адо этиб келинмоқда! Ўйлаймизки, беш йилликнинг тўртинчи йилида ҳам бу борада барча районларнинг меҳнат коллективлари қувончли ютуқларни қўлга киритадилар.**

**Ҳ. ИКРОМОВ.**

Об-ҳаво ва саломатлик

## 6 февралдан—12 февралгача

Ўзбекистон ССР Гидрометеорология марказининг маълумотларига қараганда шу ҳафтанинг аксарият кунлари республикамизда ёғингарчилик бўлмайди. Айрим районларда эрталаб ва кечқурун туман тушади. Ҳафтанинг дастлабки кунлари кечаси 5—10 даража совуқ, кундузи 1—6 даража иссиқ бўлади. Шундан сўнг кунлар аста-секин исиб боради. Кечаси ҳарорат 0—5 даража совуқ, кундузи 5—10 даража иссиқ бўлади. Ҳафтанинг охирига келиб об-ҳаво яна айнийди. Айрим жойларда қор ёғади, шамол кучаяди. Ҳарорат яна пасаяди.

Ҳафтанинг ўртача ҳарорати нормага яқин бўлиши кутилади.

Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти медик об-ҳаво маълумотлари ва об-ҳаво таъсирининг олдини олиш маркази мутахассисларининг фикрига кўра ҳафтанинг аксарият кунлари об-ҳаво мазкур мавсум учун қулай бўлади. Аммо ҳафтанинг охирларига келиб об-ҳавонинг айниши беморларнинг организмига нохуш иқлимга хос реакция бериши мумкин. Юракнинг ишемик хасталиги, бош мия қон-томирлари ва яллиғланиш хасталиклари, ўпка ва бўғин хасталиклари бўлган, об-ҳаво ўзгаришларига таъсирчан беморларнинг аҳволи оғирлашиши эҳтимоли бор.

Ана шундай нохуш кунларда об-ҳаво ўзгаришларига таъсирчан беморлар профилактика мақсадида даволовчи врачларнинг тавсияси билан қон босимини мўътадиллаштирувчи дори-дармонларни ва антиспастик препаратларни қабул қилишлари лозим.

Таянч-ҳаракат аппарати хасталанган беморлар ўзларини совуқдан эҳтиёт қилишлари ва оғриқни қолдирувчи препаратларни қабул қилишлари керак.

Об-ҳаво нохуш кунларда юқоридаги тоифадаги беморларга чиниқиш муолажаларини давом эттириш, очиқ ҳавода кўпроқ бўлиш тавсия этилади.

Ана шу шарт-шароитларга риоя қилиш организмнинг об-ҳавонинг нохуш таъсирига қаршилик кўрсатиш қобилияти ошишига хизмат қилади.

